




- * Катталарни доғда қолдирган 11 ёшли бахши
- * Ширин ўз Фарҳодининг ажалига сабабчими?
- * Ўзбек тилининг давлат тилилигидан беҳабар раҳбар
- * Озиш учун кўпроқ ойна сотиб олиш керак экан



яширин бўлса,
темиянинг ен-
ир даража-
м соғлом
расидаги
ти керак,
ундан
(и) ва
евт



Туркистон

1925 йилдан чиқа
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 17 Май Чоршанба.
№ 38 (14320)

ПРЕЗИДЕНТ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Япониянинг собиқ Бош вазири Кэйдзо Обути оғир хасталикка учраб, анча вақтдан буён шифохонада ётган эди. 15 май куни япон халқи оғир жудоликка учради. - К.Обути ҳаётдан кўз юмди.

Бундай вазиятда мархумнинг ҳурматини бажо келтириб, унинг яқинларидан кўнгил сўраш инсоний бур-

чдир. Ўзбекистон Республикаси Президенті Ислон Каримов Япониянинг Тошкентдаги элчихонасига ташриф буюриб, дипломатик миссия вакиллари орқали япон халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардлик билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари Япония элчихонасининг ҳамдардлик китобига япон халқининг қайғусига шерик экан-

лиги ҳақида дастхат ёзиб қолдирди. Ушбу мамлакатнинг Фавкуллода ва мухтор элчиси Киоко Накаяма билан бўлган қисқача суҳбат чоғида мархум хотираси ёдга олиниб, унинг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритилди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли жаноб Президент,

Иш жадвалингизда мен билан учрашишга вақт ажратганингиз учун миннатдорлик билдираман. Учрашувимиз Ўзбекистон тарққиёти ва унинг Қўшма Штатлар билан ҳамкорликдаги ҳал қилувчи лаҳзага тўғри келди. Демократия ва иқтисодий ислохотлар тамойилларини ҳурмат қилиш бора-сидаги ўзаро ҳамжиҳатлигимиз кенгайиши мумкинлиги ва кўпроқ ҳамкорлик қилишга ҳамда икки халқ ўртасидаги дўстлик риш-

таларини янада мустаҳкамлашга имконият беришига умид қиламан.

Сиз орқали Ўзбекистон халқига унинг самимийлиги ва меҳмондўстлиги учун миннатдорчилик билдиришга ижозат берасиз. Улар ўз мамлакатлари, ўз тарихлари билан фахрланадилар ва булар бунга тўла ҳақлидирлар.

Самимият ила,
АҚШ Давлат котиби
Мадлен ОЛБРАЙТ

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК – АМАЛДА

18 май куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистонга ташриф буюради.

Бу ташрифнинг бир жиҳати-га эътибор қаратмоқ жоиз. В.Путин Россия Федерацияси Президенти лавозимини расман эгаллагандан сўнг ўзининг илк хорижий сафарини Ўзбекистондан бошламоқда. Бу Ўзбекистоннинг минтақа, қолаверса, МДХда тутган ўрнига берилган ўзига хос баҳо бўлиш билан бирга, мамлакатимиз билан ҳар томонлама ҳамкорлик Россия учун ўта муҳимлигидан ҳам дарақдир.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар тарихи юз йиллар билан ўлчанади. Бироқ ҳақиқий тенг ҳуқуқли

ҳамкорлик алоқалари айнан Ўзбекистон миллий мустақилликни қўлга киритгандан сўнг бошланди. Албатта, дастлаб икки ўртада бошланган тенглик асосидаги ҳамкорлик алоқалари текис йўлга тушиб кетиши осон кечмади. Сабаби узоқ йиллар давомида юқори мақомда бўлган Россиянинг мустақил Ўзбекистон билан тенгма-тенг гаплашишга кўникиши қийин бўлди. Ўзбекистон эса Президент Ислон Каримов тимсолида ўз манфаатларини қатъий туриб ҳимоя қилишдан асло чекинмади.

(Давоми 2-бетда)

“2000 йилнинг энг яхши ўқитувчиси”

Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган “2000 йилнинг энг яхши ўқитувчиси” кўрик-танлови якунланди. Бугунги куннинг энг муҳим вазифалари - Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, “Таълим тўғрисидаги” Қонун, “Соғлом авлод” давлат дастури, Давлат таълим стандартлари ҳамда янги педагогик технологияларни ҳаётга тadbик этишда фаоллик ва ташаббускорлик билан иштирок этаётган ўқитувчиларни аниқлаш мақсадида ўтказилган ушбу танловнинг якунловчи босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 нафар ўқитувчи қатнашди.

Бу йилги танлов ўқитувчиларнинг касбий билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш, таълимнинг янги услубларини кенг тарғиб этиш, муаллимларда ижодий изланишларни

жонлантириш, ижодкор ўқитувчиларни аниқлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани билан ажралиб турди. Танлов иштирокчилари нафақат мураббийлик соҳасидаги тажриба ва маҳоратлари, балки сиёсий, ҳуқуқий, психологик йўналишда ҳам ўз билимларини намойиш этди. Шунингдек, улар Тошкентдаги 110-мактабда алоҳида жадвал асосида намунали дарслар ҳам ўтди.

Таълимни ислох этишга доир янги йўналишдаги изланишларни изчил олиб борган, дарс жараёнида халқ педагогикаси, ахлоқий ва маънавий мезонлар асосида ўқувчиларга билим бера олган, ёш авлодга миллий ғоя, истиқлол мафқураси, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳини сингдиришга муваффақ бўлган ўқитувчиларнинг ўзаро беллашуви мurosасиз ва адолатли тарз-

да кечди.

Кўрик-танловнинг барча босқичларида ижодкорлиги, зук-колиги ва болажонлиги билан ажралиб турган, касбига меҳрини намоён эта олган, ўз фанининг фидойиси бўлган ўқитувчилар голибликка даъвогарлик қилди. Танлов якунига кўра, Тошкентнинг Юнусобод туманидаги 70-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Фаниева биринчи, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси Зайнаб Умарова иккинчи, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳридаги 29-мактаб ўқитувчиси Зарифа Шокирхонова учинчи ўринга сазовор бўлди. Халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев голибларга “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” гувоҳномаси ҳамда эсдалик совғаларни топширди.

(ЎЗА)



СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК — АМАЛДА

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичи икки давлат раҳбарларининг тенг мақому мавқеда туриб, бир-бирини тушунган ҳолда, сиёсат юритишга ўтганидан кейин бошланди, дейиш мумкин. Айнан шу пайтда "Ўзбекистон билан Россиянинг стратегик ҳамкорлиги" тушунчаси пайдо бўлди.

Бир йил аввалги воқеаларни эслайлик. 1999 йилнинг августида Владимир Путин Россия Федерацияси ҳукумати раиси лавозимини эгаллади. Россия жаҳон сиёсат майдонида ўз мавқеини тиклаш учун жиддий киришди. У ягона тўғри йўлни танлади, яъни аввало МДХ доирасидаги шериклар билан яқинлашиш ҳаракатига тушди. Чунки Россия билан янги мустақил давлатлар ўртасидаги илгариги иқтисодий робиталарнинг узилиши мамлакатларимиз қаддини тиклашга тўсқинлик қилиш билан бирга, ўша давлатларнинг ривожланишига ҳам йўл бермай келаётгани равшанлашиб қолган эди. Ўзаро саммитларда Президент Ислам Каримов МДХга аъзо давлатлар раҳбарларини ҳар хил назарий, баландпарвоз гап-сўзлардан қочиб, иқтисодий интеграциялашув жараёнини тезлаштиришга даъват этиб келгани маълум. Сўнгги вақтларда Россиянинг МДХга аъзо мамлакатлар билан алоқаларда айнан шу йўлга алоҳида эътибор қаратаётгани Ўзбекистон раҳбарининг башоратларига жуда мос

бўлиб чиқмоқда.

Хусусан, МДХнинг сўнгги саммитида Владимир Путин айнан Ҳамдўстлик мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантириш Россия ташқи сиёсатининг устувор йўналиши бўлишини айтди. Бошқача айтганда, воқеалар ривожини Президент Ислам Каримов айтганидай бўлиб чиқди. Бу Ўзбекистон раҳбарининг нақадар узоқни кўра биладиган сиёсатчи эканлигининг яна бир исботидир.

Россиялик сиёсатшунослар В.Путин шахси ҳақида гапирганда, унинг ишбилармонлиги, сарфайратлиги, қатъиятчилигини кўп таъкидлайди. Айни пайтда В.Путиннинг кишиларнинг кучли ҳатлатларини қадрлай олиши ва улардан ўрганишдан чўчимаслиги ҳам сиёсатшунослар назаридан четда қолмади.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Россиянинг янги Президенти Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов сиймосида жиддий, амалий ташаббус ва ҳаракатлар тарафдори, ўз мамлакатини манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга доим тайёр турувчи шахсни кўра олди, дейиш мумкин.

В.Путиннинг Ўзбекистонга буюражак навбатдаги ташрифи мамлакатларимиз ўртасида тобора қарор топиб бораётган стратегик ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Анвар КАРИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

Жаҳон банки Ўзбекистонда шаҳар транспортини ривожлантириш лойиҳасини маъқуллади ва уни амалга ошириш учун 29 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз ажратди.

Ўзбекистон Жаҳон банкига 1992 йилда аъзо бўлган эди. Шундан буюн банк мамлакатимизга ўн битта лойиҳа бўйича 458 миллион доллар миқдорида қарз ажратди. Навбатдаги қарз Самарқанд, Наманган, Бухоро, Нукус ва Олмалиқ шаҳарларида транспортни ривожлантиришга йўналтирилади. У 20 йил муддатда қайтариш шарти билан берилди.

Лойиҳа амалга оширилгач, мамлакатимизнинг бешта шаҳрида истиқомат қилувчи 1,4 миллион аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш яхшиланади. Бундан ташқари, кўплаб янги иш ўринлари вужудга келади.

Лойиҳада янги автобуслар сотиб олиш ва уларни тегишли хусусий ҳамда давлат автокорхоналарига тижорий лизинг асосида бериш, мавжуд автобусларни таъмирлаш ўз аксини топган. Шунингдек, мазкур лойиҳа асосида автокорхоналарга техник ёрдам кўрсатиш, кадрлар тайёрлаш ва устахоналарни зарур ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилган.

(ЎЗА)

АЛЛОМАЛАР РУҲИ КЕЗАР БУ ЕРДА

Шу йилнинг октябрь ойига Имом ал-Мотуридий дафн этилган Чакардиза қабристонида макбара барпо этилади, те-варак-атроф ободонлаштирилиб, зиёратгоҳга олиб боради-ган йўллар тартибга келтирилади. Бундан ташқари аллома номи билан боғлиқ обидалар таъмирланиб, тикланиш ишлари рўёбга чиқарилади.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли Самарқанднинг асрий қадамжолари ўзининг сир-асрорларини оча бошлади. Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти олимлари шаҳарнинг шарқий қисмида IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шаклланган Чакардиза қабристонида кенг

кўламдаги тадқиқот ишларини олиб боришяпти.

— Тарихий манбаларга қараганда бу қабристонда машҳур алломалар — Абу Мансур Мотуридий ва Бурҳониддин Марғинонийлар дафн этилган, — деди институт олими, тарих фанлари номзоди Амриддин Бердимуродов. — Бир гуруҳ ходимларимиз топаётган қабр-тошлар, макбара пойдевори йўлакларини ўрганиб, дафн этилган шахсларни аниқлаш, уларнинг номларини абадийлаштириш, шу билан бирга 1200 йил муқаддам Самарқанд маданияти қай даражада эканлигини билишга интиляптилар.

"Туркистон-пресс"

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиш ортиб бормоқда. Бу табиий ҳол албатта. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб-во-яга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билиш-ни истайди. Ўзбекистон деб ата-лувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ва-танимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бе-шиқларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу

росга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний-ахлоқий ил-мий қарашларини ўзида мужас-сам этган бу нодир мерослари-мизни жиддий ўрганиш даври келди десак, муболага бўлмай-ди.

Жамият тараққиётининг асоси уни муқаррар ҳалокатдан қутқа-зиб қоладиган ягона куч — маъ-рифатдир. Ўзликни англаш та-рихни билишдан бошланади, дея таъкидлаган эди, Президентимиз И.Каримов ўз асарларида.

ТАРИХ — БИЗНИНГ КЕЧАМИЗ, БУГУНИМИЗДИР

қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу-фузалолар, олим уламолар, сиёсатчи-лар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яра-тилган, сайқал топган. Эрамиз-гача ва ундан кейин қурилган му-раккаб сув иншоотлари шу кун-гача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган, осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда де-ҳқончилик, хунармандчилик ма-данияти, маъморчилик ва шаҳар-созлик санъати юксак бўлгани-дан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган энг қадимги тошёзувлар битик-ларидан тортиб бугун кутубхона-ларимиз хазинасида сақланаёт-ган 20 мингдан ортиқ қўлёзма уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ,



Ўзлимизни англаш, Ватани-миз тарихини чуқур ўрганиш, аждодларимизнинг бой маданий ва маънавий меросларига бўлган ҳурмат-эътиборни кучайтириш бугунги кунда барчамизнинг ол-димизда турган юксак вазифа-дир. Шу ўринда ёшлар ташкилот-

лари томонидан ўтказилаётган бир қанча тадбирлар юқоридаги фикрларимизни исботлай-ди. "Сиз тарихни биласизми?" кўрик-танлови айнан шу-лар жумласидан-дир.

Бир неча йил-дики, республика "Камолот" жамғар-маси ташаббуси билан Халқ таъли-ми, Олий ва ўрта махсус таълим ва-зирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, ЎзФА Тарих инсти-тути ҳамкорлигида республикамиз ёшларини маъна-вий баркамол ўз она Ватанининг та-рихини мукаммал эгаллаган билим-дон фарзандлар қилиб тарбиялаш, уларни халқимиз-нинг ўтмиши, ўзбек

фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрология, меъ-морчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихо-римиздир. Бунчалик катта ме-

давлатчилиги заминларини ан-глаб етишларига кўмаклашиш мақсадида республикамиздаги барча ўрта ва махсус таълим би-лим юртлари ўқувчилари ўрта-сида "Сиз тарихни биласизми?"

"Сиз тарихни биласизми?" кўрик-танлови республика яку-ний босқичи Ўзбекистон Респуб-ликаси ёшларининг "Камолот" жамғармасида шу йилнинг 12-13 май кунлари бўлиб ўтди. Танлов-да Қорақалпоғистон Республика-си, Тошкент шаҳри ва барча ви-лоятлардан келган 14 та ғолиб жамоалар иштирок этдилар.

Кўрик-танлов тўртта шартдан иборат бўлиб, жамоалар бу шарт-ларда ўзларининг юксак тарихий билимлари, аждодларимизнинг бой маданий ва маънавий мерос-ларига бўлган эътиборларини сахна кўринишлари орқали на-мойиш этиб, ҳакамлар ҳайъати ва барча ташкилотчиларнинг мақ-товларига сазовор бўлдилар. Танлов қизгин баҳс ва муноза-ралар остида ниҳоясига етди. Беллашувнинг якуний натижа-рига кўра, Тошкент шаҳрининг "Муаррих" жамоаси мутлоқ ғолибликни қўлга киритди. Шу-нингдек, Тошкент вилоятининг "Турон" жамоасига, Хоразм вило-ятининг "Муаррих" жамоасига, Фарғона вилоятининг "Тафаккур" жамоаларига иккинчи ўрин, Ан-дижон вилоятининг "XXI аср ёшлари", Самарқанд вилоятининг "Афросиёб" жамоаларига эса учинчи ўрин насиб этди.

"Сиз тарихни биласизми?" кўрик-танлови ғолибларига "Ка-молот" жамғармаси ҳамда бошқа ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Саида ПОЁНОВА,
Ўзбекистон Давлат
Жаҳон тиллари
университети, 2-босқич
талабаси

ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида чет тиллар бўйича республика олимпиадаси ўтказилди. Унда йигирмадан зиёд олий ўқув юр-тидан юздан ортиқ талаба иш-тирок этди.


Халқаро интеграциялашув жараёни катта суръат олган ҳозирги шароитда Ўзбекистон-да хорижий тилларни яхши би-ладиган мутахассисларга эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Шу сабабли олимпиаданинг замонавий талаблар даражаси-

да ўтказилишига катта эътибор қаратилди. Талабалар тест си-нови топширишдан ташқари, намоиш этилган хорижий фильмнинг мазмунини ёзма баён қилди, шунингдек, синх-рон таржима борасида ўз ма-ҳоратини намоён этди. Улар-нинг илму маҳоратини мамла-катимизда фаолият кўрсатаёт-ган хорижий ваколатхоналар вакиллари ва юртимиз ўқув муассасаларида таълим бераёт-ган чет эллик мутахассислар-дан тузилган ҳакамлар ҳайъа-

ти баҳолади.

Айтиш керакки, талабалар олимпиадага жиддий тайёргар-лик кўргани маълум бўлди. Ай-ниқса, Ўзбекистон Давлат жа-ҳон тиллари университети та-лабалари яхши натижага эришди. Улар энг кўп соврин-ли ўринларни қўлга киритди. Шунингдек, Ўзбекистон Мил-лий университети, Фарғона, Самарқанд, Бухоро давлат уни-верситетлари талабаларининг ҳам ўз билим даражаси юқори эканлиги кўринди.

(ЎЗА)



Соғлом авлод — миллат келажоги

Чимилдиқ

яширин бўлса,
темиянинг ен-
р даража-
м соғлом
расидаги
и керак,
ундан
и) ва
евт

"ТУРКИСТОН" газетаси иловаси. 2000 йил 17 Май № 18 (75)

Бўйишан хотини ҳам бил, хаммасига ақил жавоб бермади. Сен ақай... ақилни қана ол. Аялга сиради билдира қарма. Мен билан баласизахат иш туйи.

"Яхши кийинган одам маданиятли бўлиб қолмайди. Кишининг ташқи кўриниши эмас, балки ички дунёси гўзал бўлиши керак", дейишади. Бу сўзга ўша пайтда унчалик эътибор бермагандим.

Шанба куни ишдан чиқиб, шаҳардан қишлоққа кетмоқчи бўлдим ва йўловчи ташийдиган "Дамас" русумли автомашинага ўтирдим. Ундаги йўловчиларнинг иккитаси аёл, қолганлари эса эркак кишилар эди.

Йўлга тушганимиздан сўнг негадир ҳайдовчи ҳамма эшитадиган қилиб сўқинди. Бошида нотўғри эшитгандирман-да деб ўйладим. Йўл-йўлакай ҳайдовчи ёнидаги киши билан баланд овозда суҳбатлаша бошлади. У ҳар гапида лугат бойлигидаги "ноёб" сўزلардан ишлатарди. Гўё, бу ерда хотин-қизлар борлигини унутиб қўйганди. Йўловчи эркаклар эса истихоло

МАДАНИЯТЛИ ОДАМ



ҳам қилмай унинг гапини маъқулларди. Лекин ҳеч бири ҳайдовчига бу ерда аёллар бор эканлигини эслатиб қўйишмади.

Ниҳоят манзилга етдик. Шу куни кайфиятим бузилиб юрди. Бўлиб ўтган воқеа юқоридаги ҳикматли сўزلарни тасдиқлади, холос. Афсуски, маданиятли одам бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермас экан.

ХУРШИДА

ЎЗБЕКЧА КИНОЛАР КЕРАКМИС?!

Яқинда Тошкентдаги Киночилар уйида киночилар клуби хайрли ишга қўл урганини газетангиз саҳифасидан ўқиб, жаҳон замонавий киносининг дурдона фильмларини ўзбек тилида намоиш этилаётганидан хабар топган эдик. Сўнгра биз шу фильмлардан машхур, ўн бир "Оскар" совриндори "Титаник" фильмини мазза қилиб ўз тилимизда тамоша қилиб чиқдик. Олам-олам завқ олдик. Чунки санъат асарини она тилида кўриб ҳис қилишдан афзалроқ нарса бўлмаса керак.

Яқинда Киночилар уйига яна

шундай фильмларни ўзбек тилида кўрамиз деган умидда борган эдик. Лекин, минг афсуски куруқ қайтдик. Чунки, қулоғимизга етган гапларга кўра қайсидир киночилар раҳбарининг буйруғи билан фильмлар намоиши тўхтатиб қўйилибди. Нима у ўзбек тилининг давлат тили бўлганлигини билмайдими? Ёки бўлмаса ўз миллатини замонавий санъат асарларидан она тилларида баҳраманд бўлишларига қаршими? Биз шундай саволлар билан сеvimли газетамиз таҳририятига мурожаат этмоқдамиз.

Зафар МУЗАФФАР ўғли, талаба

Алданиш... Дунёдаги энг оғир азоб бўлса керак, айниқса сени севган кишингдан. Севги — муқаддас. Лекин ҳозирги "замонавий" йигитлар бу туйғуни эрмак қилишга тўғри, осондир. Аммо унинг юрагини, қалбини эрмак қилиш мард йигитларга ярашармикан. Ётоқхона

Қизлар сира алданманг



мизда турадиган йигитлар ҳали у қизга севги изҳор қилса, эртасига бошқасига севги дардини тўқади. Қанча қизларимиз бу алдовнинг қурбони бўлишди. Келинлар, қизларжон, бундай алданишларни йўқотайлик. Сизлардан илтимос, сингилжонлар! Аввал йигитларни яхшилаб синанг, сўнгра севинг, севилинг. Бироқ йигитларга тақлид қилиб, у шундай қиялпти мен қилмайманми, деб ўзингизни ўзингиз алданманг. Севги саволига жавоб беришдан олдин яхшилаб ўйлаб кўринг.

Шаҳноза САТТОРОВА

"ШЕЪРИЯТ САБОҚЛАРИ" ГА МАРҲАМАТ

"Туркистон" таҳририяти қошида ташкил этилган "Шеърият сабоқлари" ёш ижодкорлар даврасининг навбатдаги йиғилиши 2000 йил, 17 май, чоршанба куни соат 16:00да бўлиб ўтади.

Даврамизнинг бу галги меҳмони сиз кутган ва сиз севган шоир Аъзам ЎКТАМ бўлади. Мушоирага барча қизиққан шеърият ихлосмандларини таклиф қиламиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри. Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. "Туркистон" газетаси таҳририяти, 508-хона.

М Е Ё Р

Газетангизнинг "Чимилдиқ" иловасини ва "Оила ва жамият" газеталарида чоп этилаётган мақолаларнинг кўпчилиги севги бобида алданиб қолганларнинг мактублари билан тўла бўлади. Уларни ўқиган ҳар бир ўқувчи "наҳотки?!" деб ёқа ушлашгача қолади. Бундайин аламли ва азобли воқеаларнинг содир бўлишига энг катта сабабчи ўзимиз эканлигимиз ажабланарли ҳол эмас.

Ҳинд файласуфлари айтган учта нарсадан сақланиши лозим бўлган меъёрлардан бири севги-муҳаббат бобидаги меъёрдир. Ўз туйғуларимиз ва юрагимизни

забт этган инсонга ортиқ даражада ишонимиз ва оқибатда...



Инсон меҳр-муҳаббатла тирик, бироқ бизнинг сеvimли кишимиз меҳр-муҳаббатимизга лойиқми?! Емай-едириб, киймай-кийдириб қўйган ота-онамиздан устун бўлиши мумкинми? Аслида ота-онамизга беришимиз лозим бўлган муҳаббатни ҳар хил ёлғонларга алмашамизми? Йўқ! Ҳеч қачон.

Бу айтилган гаплар

ҳаммага тегишли эмас, бироқ ҳамма севгида меъёрли бўлса, ўзи ҳам, бошқалар ҳам озор чекмайди.

Дилбар АРАЛОВА

11-синфда ўқиб юрган вақтимизда дўстим Ж. параллел синфдаги Д. исмли қизни севиб қолди. Уларнинг учрашувига дўстим илтимос қилгани учун мен ҳам борардим. Вақт ўтиб ўқишга кир-

севишишаркан деб гап чиқибди. Ҳозир Н. бошқа йигит билан учрашяпти. Шунча тушунтирсам ҳам Н.ни сен ташлаб кетдингми ёки у сеними, деб мазаҳ қилишади. Дўстларим нега мени тушу-

АЙБСИЗ АЙБДОРМАН

дик. Ҳозир 2-чи курсда ўқийман. Ҳар сафар синфдош дўстларим билан йиғилсак менга дўстимнинг севган дугонаси Н.дан гап оча бошлашарди. Нимага десам, Ж. билан Д. учрашганда мен ҳам Н. билан борганим учун улар ҳам

майди. Келажакда бу менга қанчалар ташвиш олиб келиши мумкин-ку ахир? Нима қилай айбсиз-айбдорман.

Н,
Қашқадарё

Бахтиёр Тўраев: МЕНИ РАССОМ ҚИЛГАН ГЎЗАЛ ҚИЗЛАРДИР

— Бахтиёр ака, умуман сизнинг назарингизда муҳаббат нима?

— Муҳаббат бу ҳаётнинг бир та-
янч нуқтасидир. Ҳаётнинг асл моҳи-
яти ҳам, покизалиги ҳам ундан.
Биз нечоғлик севмайлик муҳаббат
бу рамзий маънодаги бир тушунча.
Шу билан бирга эришиб бўлмайдиган
ўлмас покиза, илоҳий бир
туйғудир.

— Илк севгингизни эслай ола-
сизми?

— Эслайман. Биринчи марта уни
мактабда ўқиб юрган кезларим уч-
ратганман. Оромгоҳда бирга
бўлганмиз. Ҳозиргилар учун албат-
та бу орқага сурилган севги бўлса
ажабмас.

— Кўпчилик биринчи муҳабба-
тини кўп кўмсайди, айниқса
ижод аҳли.

— Шоҳ асарларда ҳам ҳеч ким асл
муҳаббатга эриша олмаган. Айниқ-
са, ижод аҳли бу нарсага бир умр
интилиб яшайди. Уларни гарчи кек-
сайган пайтида бўлса ҳам эришган
муҳаббати, бу ижодининг гуллаб
яшнагани. Мен учун эса муҳаббат
бир гўзаллик рамзидир. Ижод аҳли
руҳий озиқага ташна бўлганлиги
учун унинг ижодини биров мақтаса
ҳам ижодкор унга нис-

батан севги изҳор қилиши табиий.

— Рассомчилигингиз муҳаббат
“соҳа”нгизда ҳам ёрдам берган-



ми? Биринчи қандай гўзалнинг
расмини чизгансиз?

— Муҳаббат касбим учун катта иш
берган. Чунки севиш улкан бахтдир,
севилиш эса иккинчи даражали. Му-
ҳаббат одамни салбий хислатлардан
халос этади. Умуман, мен рассомчи-
лигимдан гурурланиб севардим. Энг
биринчи марта армияда тайёрлаган
альбомимга қишлоғимиздаги бир
қизнинг расмини тушурганман. Би-
ринчи санъат асарим эса талабалик
давримдаги Шоира

деган қизнинг портрети эди.

— Ўзи ижодингизда аёллар мав-
зуси қандай?

— Аёллар мавзуси ижодимнинг
асосий қисмини ташкил этади. Чун-
ки портрет жанри ижодимда асосий
ўринни эгаллаган. “Она”, “Гўзал қиз”
асарлари шулар жумласидан. Ярат-
ган портретларимнинг аксарият қис-
ми аёлларга бағишланган. Ўзи пор-
трет жанрида ишлашга ҳам асосий
сабабчилар гўзал қизлар.

— Сиз театр рассомсиз. Де-
макки санъат аҳли билан бирга-
сиз. Артистлар ҳақида эса турли
миш-мишлар кўп бўлади, айниқ-
са севги мавзусидаги...

— Артистлар очик кўнгил бўлган-
лиги учун саҳнада рўйи-рост томоша-
бинлар назарида севганлиги учун ҳам
ҳар хил миш-мишларга сабаб бўли-
ши мумкин. Чунки, саҳнадаги юксак
маҳорат билан ижро этилган муҳаб-
бат роли ҳар бир томошабин қалби-
га чуқур сингиб кета олади. Бундан
келиб чиқадики, томошабин муҳаб-
батни саҳнада эмас, ҳақиқатда
кўрганлигини ўйлаб юради.

— Ҳаётда нимани биринчи
кўясиз, оила-
ними ёки

кечикиб бўлсаям
келган севги...

— Ҳаётда биринчи оилани. Чун-
ки муҳаббатнинг мағзи бу — оила-
дир. Оилавий муҳаббатни илоҳий
муҳаббат деб тушунаман.

— Ҳеч муҳаббат бобида бева-
фолик қилганмисиз?

— Йўқ. Бўлмади ҳам.

— Аёл ва эркак рашикга му-
носабатингиз.

— Рашк бу муҳаббатнинг жаво-
би бўлса керак. Чунки муҳаббат
бор жойда, рашк ҳам бўлади. Албат-
та бу рашк кимда қачон, қандай
ҳолатда бўлишига боғлиқ.

— Муҳаббат ҳақида энг сара
асар яратиш таклифи тушганда
сиз нималарни тасвирлаган
бўлардингиз?

— Бунга сўз билан айтиш қийин.
Энг гўзал нарса нима бўлса, ўшани
тасвирлардим. Илоҳий руҳ бағиш-
ланган гўзалликни эса инсон, ай-
ниқса ижодкор йиллар давомида из-
лайди. Узоқ изланишлар ва руҳий
тайёргарликдан сўнг, ҳақиқий му-
ҳаббат асарини яратиш мумкин.

АКБАРХОН суҳбатлашди



Ишқ либосини кийишдан
ор қилиш ва муҳаббат лаз-
затидан бебаҳра бўлиш та-

лан кириб келади.
Халқ орасида, “Фарҳод-у
Ширин” ҳақида кўплаб риво-

виз ўзининг қонхўр душмани-
ни ўлдириш мақсадида куч-
ли заҳар тайёрлатади. Заҳар-
ни идишга куйдириб, ҳеч ким

Шу ондаёқ бечора маъшуқа
Фарҳод сари отланди. Унга
илтифот тариқа-

Ширин ранглари ўзга-
раётган жон талвасасида
бўлган маъшуқадан сўради:

АЛДАНГАН МАЪШУҚА

Шириндан сўрадилар: “Хисравнинг шунча шону-шавкати бўлса ҳам, уни
севмай, бечора Фарҳодни нима учун севасан?” Ширин жавоб бериб деди:
“Чунки Хисравнинг менга нисбатан бўлган севги даъвоси тилининг учида,
Фарҳодники эса жонининг ичидадир”.

биатнинг оғир жафоси ва
ҳар доим юракка сўроқсиз,
айни пайтда тўпорилик би-

ятлар, ҳикоятлар мавжуд.
Аммо бугунгиси...
Айтишларича, Хисрав Пар-

кўрмайдиган жойга осиб
қўйди. Бир куни эса тасоди-
фан бу хонага кириб қолган
Ширин Хисравдан унинг ни-
малигини сўрайди. Жавоб
эса шундай бўлди: “Зинҳор бу
шишанинг оғзини очма, ҳеч
кимга кўрсатма, ҳақимлар
ҳикмат юзасидан кўп йил ури-
нишларидан сўнг, ушбу нар-
сани юзага чиқардилар”.

Ишқ ўтида куйиб ёнган
Ширин учун бу дори энг ноёб
туҳфа эди.

сида ўша идиш-
даги нарсадан
куйиб узатди ва
деди: “Бу шундай
шарбатки, Хис-
рав унинг ҳар
қатрасини жонидан азиз
қўради, ҳеч кимга бир томчи-
сини ҳам раво кўрмайди!”
Ширин унинг қаттол заҳар
эканини билмас, аксинча
жон бағишлов обихаёт шар-
бати деб хаёл қилар эди.

Фарҳод Шириндан пиёла-
ни олиб уни оддий сувдек
симириб юборди.

Ҳар киши ишқ йўлида лоф
урса-ю, жонидан кўрқса агар
ошиқ эмас.

“Ширин эканми?”

Фарҳод: “Билмадим,
аммо уни сенинг қўлингдан
ичганим учун асалдан ши-
рин”, деди.

Балки мана бундай ибра-
тона сўз шу аянчли қисмат-
дан қолгандир.

Кимнинг юрагида ишқ
бўлса пинҳон,

Заҳарни шакар деб
қилади гумон.



УЯТ
БЎЛМАДИ

ТУҒРУҚ ЁШИДАГИ АЁЛЛАРДА КАМҚОНЛИЛИК

Маълумки инсон вужудини кислород билан таъминлайдиган асосий манбалардан бири, бу — қизил қон таначалари — эритроцитлардир. Эритроцитлар икки қисмдан иборат бўлиб, унинг 95 фоизини — гем моддаси, 0,5 фоизини — сув ташкил қилади. Гем моддасининг асосий қисми темир моддасидан ташкил топгандир. Агар организмда мавжуд темир модда миқдори меъёридан кам бўлса, демак инсон танасидаги ҳаётга зарур жараён, яъни кислород билан таъминланиш бузилади, бу эса ўз навбатида у ёки бу аъзо фаолиятининг издан чиқишига сабаб бўлади. Шундан келиб чиқиб, инсон танасидаги темир модда алмашинуви тўғрисида қисқача маълумотга эга бўлиш нафақат врачлар, балки ҳамширалар учун ҳам зарур деб ўйлаймиз. Бу ўз йўлида кўп касалликларнинг негизини тушуниш ва уни даволашга тўғри ёндашишга ёрдам беради.

Умуман, соғлом танда ҳаммаси бўлиб 4-5 грамм темир моддаси мавжуд бўлиб, ундан 2,5 грами гемоглабин таркибидадир, 0,8-1,0 грамм ферритин сифатида захирада сақланади.

Кун давомида тана 0,4-1,8 миллиграммгача темир сарф қилади. Ҳар бир аёл ҳайз вақтида меъёрида 50-15 мл г қон йўқотса, ҳар бир 50 мл г қон таркибиде 2 мл г гача темир моддаси бўлади. Ҳомиладорлик, туғруқ ва эмизикли даврлар аёл 1000-1500 мл г гача темир модда сарфлаши мумкин.

Ҳомиладорлик ва туғруқ давлари учун сарфланган темир модда миқдори яна ҳомиладорликнинг асоратли кечишига, ҳомила вазнига, ҳомила олди сувининг миқдори, ҳомиланинг сонига (эгизак ёки ундан кўп), туғруқнинг асоратли кечишига ва бошқа яна баъзи бир факторларга ҳам боғлиқдир. Шуни айтиш керакки, аёл эмизикли давр учун кунига 0,25 мл г темир мод-

даси сарфлайди. Чилла даврида аёлда ҳайзнинг барвақт бошланиши ҳам сарфланадиган темир миқдори салбий таъсир кўрсатади. Инсон танасидаги сарф бўлган темир микроэлементи истеъмол қилинадиган овқатлар таркибидеги темир ҳисобига қопланиши мумкин.

Маълумки, темир микроэлементи коинотнинг ҳамма қисмида, овқатнинг ҳамма турида мавжуддир. Лекин темир моддасига бой манбалардан ҳайвон маҳсулотлари (20-35%), мева ва сабзавотлар (8-10 %) ҳисобланади. Шу билан бирга кўрса-

дасининг ҳазм бўлишига аскорбат ва туз кислоталари ижобий таъсир кўрсатади.

Туғруқ ёшидаги аёлларда ноорганик темир элементининг сўрилиши 4-21%ни ташкил қилади. Агар гемоглабин миқдори 120г/л бўлса, сўриладиган темир моддасининг миқдори 0-16%, 95г/л бўлганда эса — 24%ни ташкил қилиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, темир элементининг сўрилиш даражаси организмнинг талабига, темир захираси миқдори, эритропоз тезлигига, мавжуд гипоксия даражасига ўзвий боғлиқ экан, дейиш ўринли. Кун давомида сўриладиган темир моддасининг миқдори аёлларда эркакларга нисбатан 1,5-2 баробар кўп бўлиб, умуман 1,5-3 мг ни ташкил қилади. Демак, танада темир моддаси камайса, унинг



сўрилиш миқдори кўпаяди, лекин кун давомида сўрилган темир моддаси энг кўпи 3 мг дан ортмайди.

Темир нондан (айниқса унинг оқ мағизли туридан), судан тўла сўрилиб, унинг сўрилишига кўпроқ оксил, аминокислоталар ижобий таъсир қилади. Антибиотик, фосфор, фитин, танин ва таркибиде танин бўлган маҳсулотлар жумладан, чой, кофе ва шунга ўхшаган суюқликлар, темир моддасининг сўрилишига салбий таъсир кўрсатиб, бу жараёни тўхтатишга олиб бориши мумкин. Инфекция микроблари танадаги темир моддаси миқдорини камайишига сабаб бўлиши мумкин.

Яна бир фактор: эстроген гормонларининг кўпайиб кетиши гемоглабин синтезининг пасайишига олиб келса, андроген (эркаклар) гормонларининг ошиши эса гемоглабин синтезига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳомиладорлик, туғруқ, чилла давларидаги сарф бўлган темир моддаси қисман овқатдан ҳазм бўлган овқат таркибидан сўрилса қисман эмизикли даврида ҳайз кўрмаслик (агар лактиция даврида ҳайз бирор йил тўхтаб турса ёки ундан кўпроқ бўлса) натижада: тежалган темир моддаси (500-600мг гача етиши мумкин) темир элементини ҳисобига қопланиши мумкин. Агар ҳайз барвақтроқ (туғруқдан уч-тўрт ойдан кейинроқ) бошланса ёки ҳомила кўриш оралиғи (3 йил ва ундан кўпроқ бўлиши керак) сақланмаса бу темир захирасининг камайиб кетишига олиб

келади ва камқонлилик яширин бўлса, у ошкор хилига ўтади, анемиянинг енгил даражаси эса унинг оғир даражасига ўтади. Шунинг учун ҳам соғлом аёллар ҳомиладорлигининг орасидаги давр 3 йилдан кам бўлмаслиги керак, камқон аёллар учун эса бу давр ундан ҳам кўп (4-5 йилни ташкил қилиши) ва бу давр орасида аёл албатта терапевт назоратида бўлиб, бир неча марта (гемоглабин миқдори 115-120г/л бўлгунга қадар) даволаш муолажаларини қабул қилиши лозим.

Юқорида айтганлардан кўриниб турибдики, ошкор камқонлилик бирданига юзага келмас экан, унинг келиб чиқишига бир қатор патологик ва физиологик жараёнлар сабаб бўлар экан. Шундан келиб чиқиб, ошкор камқонлилик ривожлангунга қадар қуйидаги бо-
сқич фарқланади:

а) анемия олди ҳолат — преданемия бу ҳасталикда қон зардобини таркибидеги темир ва гематологик кўрсаткичлар ўзгармаган ҳолда темир моддаси — ферритин миқдоригина камайди холос. (нормада 50 мк г/л дан ошқин);

б) яширин камқонлилик. Қон таркибидеги гемоглабин миқдори ва эритроцитлар сони ўзгармаган ҳолда қон зардобини таркибидеги темир миқдори ҳам камайди (меъёрида 11ммоль/л кўп). Темир танқислигининг бу хилини қон таркибидеги темир, ферритин, трансфин миқдорларини аниқлаб ҳамда трансфиннинг темирга тўйиниш коэффициентини сонини ҳисоблаш йўли билан аниқлаш мумкин.

Анемия олди ҳолати ва яширин темир танқислиги мавжуд аёллар аномнезиде кўпинча илгари тез-тез аборт бўлганлиги, ҳайзнинг кўп ва давомли кетиши, тез-тез ва кўп туғруқ, эмизикли (лактация) даврида ҳомиладор бўлиш, буйрак касаллиги учрайди.

Аёлларни кўпинча тез чарчаш, иш-таҳанинг пастлиги, оғизда нохуш таъм мавжудлиги, тумов касаллигига кўп чалиниши кабилар безовта қилади.

Ҳомиладорлиқнинг биринчи ярмида мана шундай шикоятлар билан шифокорга мурожаат қилган аёлларда бу ҳолат ҳомиладорлиқнинг эрта токсикозлари белгилари деб қаралади. Бу албатта, асосий касаллик белгиларини тўғри баҳоламасликдан келиб чиқади. Агар сифатли овқатлар истеъмол қилиш билан бир қаторда, темир моддаси бор дорилар, витаминлар, томирга глюкоза эритмаси ва тери остига кобальт препаратлари комплекси тавсия қилинса, аёллар аҳволи анча яхшиланиши билан бир қаторда яширин камқонлиликни ошкор хилига ўтиши олди олинади.

Жўрахон АЗИМОВА,
профессор

ЮРИШИНГИЗГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Афсуски, ҳамма аёллар ҳам чиройли юришни билмайдилар. Биттаси баланд пошна туфли кийиб олиб, бедана юриш қилади, омонат, зўрға юради. Бошқаси қўлларини силтаб худди маршдаги солдатга ўхшаб юради, учинчиси пошнасини тақиллатиб уриб, ёйилиб, олифта қилиқлар қилиб юради, тўртинчиси жуда букчайиб олади, боши тушиб кетади. Бешинчиси, сонларини қилпанлатади, елкаларини силкатади.

Қадди қомат яхши бўлиши кўп нарсаларга боғлиқ. Энг аввало қоматга ва елкаларингизни қандай тутишга боғлиқ. Сўнггра оёғингизни қандай қўйишингизга (аввал ерга товон қўйилади, оёқ кафти, тизза тўғри туради), қўлларингиз

ва танангиз ҳаракатига, ниҳоят пойабзалингиз ўзингизга лойиқми, мавсумга, обҳавога ярашами, шуларга боғлиқ бўлади. Алар сиз доимо — уйда ҳам, кўчада ҳам баланд пошна туфли кийиб юрадиган бўлсангиз, албатта калта-калта қадам ташлайдиган, бедана юришга одатланиб қоласиз. Бундай оёқ кийимда оёқ табиий ҳолатда турмайди, гавданинг таянч майдони жуда ҳам кичрайдиган. Сиз мувозанатни сақлашга кўп куч сарф қиласиз, тез чарчайсиз. Бунинг устига эсингизда бўлсин, мода орқасидан кувиб, баланд пошна киядиган аёлларнинг кўпчилиги тиззасини букмайди. Жуда тор туфли оёқни сиқади, оёқ кафтини хунук қилиб қўяди, юрганда азоб беради. Жуда ясси, пошнаси туфли кийганда ҳам одам чиройли юр-

майди. Одам эҳтиётсизлик билан қулоч отиб қадам ташлайди. Яхшиси, пошнасининг баландлиги ўртача пойабзал кийган маъқул. Бунақа пошна-ли туфлида одам енгил, шаҳдам қадам ташлайди.

Оёқ учун (юришни яхшилайдиган) энг қулай гимнастика шаҳдам-шаҳдам қадам ташлаб юришдир. Кўп юринг, ҳар куни юринг. Яқинроқ жойга албатта пиёда боринг, транспортга чиқманг, қаддингизни адл тутиб, бошингизни кўтариб, қўлларингизни тирсагингиздан сал букиб (силташ керак эмас) енгил ва тез-тез қадам ташласангиз, ўз организмгизга бебаҳо ёрдам берган бўласиз, деярли барча мускуллар ишлайди, қон айланиши яхшиланади, ўпка ҳаво билан яхши таъминланади.

Уйқусизлик касалига дучор бўлганларга тавсиялар:

* Ётишдан аввал тўйиб овқатланманг. Тўйиб овқатлангандан кейин қон айланиши бузилади.

* Ётиш олдида илқ сувли ванна қабул қилиш ёки душда чўмилиш фойдалидир.

вушлар ҳам эшитилмайдиган бўлсин.

* Уйқу олдида хонани шамоллатиш лозим. Чунки илиқ, лекин беҳаво хонада тиниқиб ухлаш қийин кечади. Уйқу хонасидаги ҳарорат 15-16 даража бўлса кифоя қилади.

УЙҚУСИЗЛИККА ҚАРШИ

* Уйқу ўрининг қандай тузаланига ҳам боғлиқ. Умримизнинг учдан бир қисми шу ўринда ўтишини инobatга олайлик. Табиий матолардан тайёрланган тўшакларда ётилгани маъқул. Ўринкўрпаларнинг ўта юмшоқ бўлиши зарарли бўлиб, умуртқа поғоналарининг созлигига путур етказиши мумкин.

* Каравотингизни тинч жойга жойлаштиринг. Кўча ҳаракатидан келадиган то-

кан гиёҳлардан тайёрланган чой ичиш фойдали. Чунки, ялпиз ёки лимон ўт яхши наф беради.

* Агар чойни хуш кўрмасангиз, бир стакан асалли сут ичса ҳам бўлади.

* Телевизорни ўринда ётиб томоша қилиш зарарли.

* Тиниқиб ухлашнинг бирдан-бир йўли, имкони борича бир пайтда ётиб, бир пайтда уйғонишдир.

Ёш бахшилар

Хивада "Алпомиш" достонининг 1000 йиллигига бағишланган ёш бахшиларнинг учинчи республика фестивали ўтказилди.

Иштирокчиларнинг ижодий мусобақалари ва фестивал лауреатларининг гала-концерти "Ичон қалъа" музей-қўриқхонасининг энг қадимий меъморчилик обидаси бўлган Кўҳна Арк олдидаги майдонда ўтказилиши рамзий маънога эга. Мутахассисларнинг фикрича, бундан икки минг йил олдин айнан шу жойда кўҳна шаҳар бунёд этила бошланган. Шу куни ижро этилган қадимий мусиқа ва достонларда ифодаланган мусиқавий аънаналар ҳам кўҳна тарихга эга эканлигига шубҳа туғдирмайди.

— Фестивалнинг Хивада ўтказилишининг ўзиёқ чуқур маънога эга, — дейди ҳакамлар гуруҳи раиси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти директори Т.Мирзаев. — Юртимизда достон ижрочилигининг ўндан ортиқ мактаби мавжуд. Улар орасида Хоразм достончилиги бетакрор хусусиятлари билан ажралиб туради. Бундай фестиваллар, кўрик-танловлар ўтказилиши халқимизнинг ўзига хос мусиқий ижодини тиклаш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Халқ маданияти ютуқлари — авлодларимизнинг буюк меросидир. Уни ўрганиш ва тарғиб этиш мустақил Ўзбекистон миллий мафкурасини шакллантиришнинг бир қисми ижрочилари гуруҳига берилди. Биринчи мукофотга фестивалдаги йўқолиб бораётган "жир" жанридаги достонларнинг ягона ижрочиси қорақалпоғистонлик Бахтиёр Эсмуродов сазовор бўлди. Ҳакамлар ҳайъати асосий лауреатлардан ташқари яна 22 иштирокчини махсус мукофотлар билан тақдирлади. Улар орасида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Хоразм вилоятидан ташриф буюрган бахшилар бор.

Т.ШАМАКОВ
ЎЗА мухбири



2000 йил — соғлом авлод йили

ҚИЗЛАР ДАВРАСИ

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтган "Қизлар давраси"нинг бу галги йиғилиши биз билган, кўрган аънавий давралардан фарқ қилди. Ва у Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланди.

Тадбирни иқтисодиёт университетида кўп йиллардан бери хизмат қилиб келаётган педагоглардан, фалсафа фанлари номзоди Ўлмас опа Жалолова очди. У ўз маърузасида бугунги мустақиллигимиз, аёлнинг жамиятдаги ўрни, қизларимизнинг ўз оилаларига муносиб фарзанд бўлиб етишишни тилади.

Баҳс-мунозара учун ўртага ташланган қизиқарли саволларга универси-

тетда таҳсил олувчи қизлар зукколик билан жавоб бердилар. Айниқса иқтисодиёт факультетининг 3-курс талабалари Дилафрўз Тўхтаева ҳамда Мукамал Усмоновларнинг берган жавоблари йиғилганларни ҳайратда қолдирди. Қишлоқдаги тенгдошининг тақдирига ғамхўрлик, хур юртнинг фуқаросига хос масъулият туйғуси қатнашувчи қизларнинг жавобларида ўз аксини топди.

Университет хотин-қизлар кўмитасининг раиси Ш.Йўлдошева бу давра ҳали дебоҳа эканлигини, бундай кўриklar тез-тез ўтказилиб туришини таъкидлади.

Лайло РУСТАМОВА

ЎЗБЕК ОЛИМАСИНИНГ ШУҲРАТИ

Миллий матбуот марказида Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти "Ажойиб шифокорлар ҳаёти" туркумидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Халқаро паталогия академияси Ўрта Осиё бўлимининг президенти, профессор Малика Абдуллаҳўжаева ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб чоп этилган А.Зоҳидийнинг "Аллома аёл" номли китобининг тақдимот маросими ўтказилди.

— Малика Абдуллаҳўжаева хорижда шуҳрат қозонган атоқли давлатимиз олимлари қаторига киради. Унинг илмий тадқиқотлари натижалари дунёнинг турли мамлакатларида чоп этилган. Олима йигирма олти халқаро анжуманда маърузалар қилган, у ўзбек ва рус тилларида паталогик анатомия бўйича илк дарсликнинг муаллифидир, — деди Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Марат Хожибеков.

— Аллома 11 нафар тиббиёт фанлари доктори, 55 нафар тиббиёт фанлари номзодини тайёрлади. Улар орасида Марказий Осиё мамлакатлари, Яман, Непал, Миср, Ҳиндистон вакиллари ҳам бор. У жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотига экологик паталогия муаммолари бўйича иш олиб борди. Шуни айтиш жоизки, М.Абдуллаҳўжаева АҚШ Калифорния штатининг Фресно шаҳри фахрий фуқароси ҳисобланади, деди пировардида М.Хожибеков.

БОШҚОТИРМА

А. Қашқор осори	Тропик мана	Халқ	Дарё	Шаҳар	Зарарку
→	→	→	→	→	→
Зохн	Бош Инсон	→	→	→	→
→	→	→	→	→	→
Й. Сулаймон осори	Нобел мух. соҳиб олим бауричи	→	→	→	→
→	→	→	→	→	→
Дарё Ёқутистон	Инглиз майдон ўлчоғ бирлиги	→	→	→	→
→	→	→	→	→	→
Пойтахт Албания	Узуноқ куш	→	→	→	→
→	→	→	→	→	→
Баланд мавоит	Кино Ҳиндистон	→	→	→	→
→	→	→	→	→	→
Ховт	→	→	→	→	→
→	→	→	→	→	→
Орол Ўрта ор дения	Косаллик	→	→	→	→
→	→	→	→	→	→

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

Ташкентский муниципальный биржевой центр

проводит 26 мая, 2, 9 июня и 23 июня 2000 года в 10 часов аукционные торги.

На торги выставяются:

Автотранспортные средства, принадлеж-
ающие:

1. Мирзо Улугбекскому отделению "Народного банка" г.Ташкента:
- автомобиль УАЗ-31514, гос.№ 10 АД 041, стартовая цена 924726 сумов.
2. Сабир Рахимовскому отделению "Народного банка" г.Ташкента:
-автомобиль УАЗ-31514, гос.№ 1606 ТНД, стартовая цена 924549 сумов.
3. Арендному предприятию "Юнидмедсервис", расположенному в Мирзо Улугбекском районе, ул.Буюк Ипак йўли:
- автомобиль УАЗ-3962-01, гос.№ 5678 ТНН, стартовая цена 163637 сумов.
4. КМТС ТашПЕТ, расположенному в А.Икрамовском районе, промзона-2:
- автомобиль ГАЗ-2410, гос. № 3582 ТНД, стартовая цена 226655 сумов.
5. Республиканскому налоговому комитету, расположенному по ул. Абая-4:
- автомобиль "Нексия GLE", гос.№ 3896 ТНД, стартовая цена 2143485 сумов;
- автомобиль "ВАЗ-21050", гос.№ 2512 ТНД, стартовая цена 604024 сума.
6. Автотранспортному предприятию "Тошметрокурилиш", расположенному по ул.Д.Народов, 144:
- автомобиль "МАЗ 500 А", гос.№ 9025 ТНМ,

стартовая цена 407749 сумов.

7. Детский оздоровительный лагерь "Орзу", принадлежащий АООТ "Реле и автоматика", расположенный в Паркентском районе Ташкентской области, стартовая цена 10763292 сума.

8. Земельные участки под индивидуальное жилищное строительство, передаваемые в пожизненно-наследуемое владение граждан, площадью 400,0 кв.м, расположенные на массиве Сергели-14 "а" Сергелийского района. Стартовая цена одного земельного участка 269339 сумов.

Прием заявок на участие в аукционе по земельным участкам прекращается за трое суток до начала проведения аукциона.

9. Выставляется по решению Хозяйственного суда Автопредприятие № 46 "Средаздорстрой" с производственными цехами и складами, на территории площадью 19700 кв.м., стартовая цена 22 738 247 сумов.

10. Объекты недвижимости и имущество предприятий, имеющих задолженность перед бюджетом.

СПЕШИТЕ, ЭТО ВАШ ШАНС!

Наш адрес: г.Ташкент, ул.А.Кадыри,
дом 13, ком.1.

Телефоны для справок: 144-72-50, 144-43-77.

ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 6 май сониди эълон қилинган бошқотирма жавоблари

- ЭНИГА: 1. Танақузи. 4. Арканзас. 8. Идора. 9. Икона. 12. Рама. 13. Кекирдик. 16. Чана. 19. Ирода. 20. Ақиқа. 21. Рохатбадан. 26. Веллингтон. 30. Амара. 31. Гилам. 32. Атос. 33. Клаймакс. 36. Дарз. 39. Сапфо. 40. Анбар. 41. Иссиқота. 42. Глиптика.
- БҮЙИГА: 1. Табарзин. 2. Куд. 3. Зорге. 5. Рох. 6. Адно. 7. "Синчалак". 10. Омбор. 11. Калиш. 14. Катапульта. 15. Дока. 17. Карнавал. 18. Мандинго. 22. Берн. 23. Дашт. 24. Калахари. 25. Макон. 27. Тана. 28. Илгак. 29. Амазонка. 34. Лафет. 35. Канал. 37. Шарқ. 38. Карп.

Республикамиз Президенти Ислам Каримов ташаббусига кўра мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган талаба ёшларнинг катта спорт байрами - Универсиада - 2000 га санокли кунлар қолди.

22 майда бошланадиган Универсиада дастурида спортнинг тўққизта тури бўйича мусобақалар ўтказилиши режалаштирилган. Унда 1500 нафар энг яхши спортчи асосий совринлар учун беллашади.

Мамлакатимиз спорт ҳаётидаги ушбу муҳим тадбирга тайёргарликнинг бориши, наманганликлар амалга ошираётган ишлари ҳақида Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари Иброҳимжон Юсупов қуйидагиларни айтди.

— Талаба ёшларнинг бўлажак мусобақасини кичик Олимпиада билан тенглаштириш мумкин. Шундай мусобақанинг Наманганда ўтказилишидан фахрланамиз ва бундай ишонч масъулиятини чуқур англаймиз.

Биринчи олимпиада аҳолини соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ишларига катта эътибор бераётган давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказилаётганлиги туфайли алоҳида жавобгарлик сезяпмиз.

Универсиада талабаларни спортга кўпроқ жалб этиш, мамлакатимиз спорт заҳирасини кўриқдан ўтказиш мақсадига йўналтирилган. Зеро, бутун дунёда айнан талабалар мусобақалари бўлғуси Олимпия чемпионлари номларини аниқлашга ёрдам беради.

Наманган Универсиадани юксак ташкилий савияда ўтказишга тайёрми?

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, шаҳримизда ўнлаб янги

матининг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасидаги оқилона сиёсатининг самарасидир.

Шуни айтиш жоизки, вилоятимиз иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлар бизга замонавий

Катор мактаблар, олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари, академик лицейларнинг спорт базалари махсус жиҳозланган спорт мажмуаларидан қолишмайди, улар Универсиада дастурига киритилган айрим спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказишга

тайёр. Капитал таъмирлаш ва реконструкциялаш учун 130 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Ушбу объектларда вилоят қурилиш ташкилотларининг 800 нафар қурувчиси меҳнат қилди. Бу борада "Иркурилиш", "Сувқурилиш", "Таъмиркурилиш", "Агросаноатқурилиш" трестларининг жамоалари алоҳида ўрнатилган кўрсатди.

Вилоятнинг энг сўлим гўшала-ридан бирида жойлашган Косонсой педагогика билим юрти ётоқхоналари ҳам Универсиада иштирокчиларини қабул қилишга тайёр.

Вилоят ҳокимлиги ташаббусига кўра "Ўзуйжойжамғармабанк"нинг вилоят бўлимида махсус ҳисоб рақами очилган бўлиб, унда Универсиадани ўтказишга ажратилган маблағ жамланмоқда. Шуниси қувончлики, вилоят саноат корхоналари, ташкилотлари, хўжаликларидан ташқари талабалар спорт анжуманига кўплаб тижорат корхоналари ҳомийлик қилмоқда.

Умид қиламизки, Универсиада иштирокчилари ва меҳмонлар Наманганни йирик спорт маркази сифатида таниш имконига эга бўлади. Шунингдек, улар шаҳримиздан илиқ таассурот билан қайтишади. Бунинг учун қўлимиздан келган барча чораларни кўрамыз.

Универсиада - 2000, мархабо!
Светлана Тен,
Назира Хўжаева,
ЎЗА мухбири

Универсиада - 2000, Наманганга мархабо!

спорт иншоотлари бунёд этилди. Халқаро андозалар талабларига жавоб берувчи "Дўстлик" теннис мажмуаси, "Паҳлавон", "Динамо", "Алпомиш" спорт иншоотлари шулар жумласидан.

Кишлоқ туманларида ҳам спорт иншоотлари қад ростламоқда. Масалан, Ўйчи туманидаги чекка кишлоқлардан бири - Қизилравотда ҳашар йўли билан "Соғлом авлод" спорт мажмуаси бунёд этилди.

Сўнгги йилларда Наманган халқаро ва республика миқёсидаги йирик мусобақаларни ўтказиш борасида катта тажриба тўплади. Фақат шу йилнинг ўзида шаҳримизда иккита халқаро теннис турнири, шахмат бўйича ҳудудий танлов, велоспорт, қўл жанги, кураш ва футбол бўйича республика мусобақалари ўтказилди.

Вилоятнинг ҳозирги спорт ютуқлари - мамлакатимиз ҳуку-

спорт иншоотларини бунёд этиш ва халқаро турнирлар ўтказиш имконини берди. Сўнгги йилларда вилоятда ўнлаб янги саноат корхоналари фойдаланишга топширилди. Уларнинг бир қисми хорижликлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Саноат ривожини табиий равишда ижтимоий эҳтиёжлар, жумладан, спорт иншоотларини қуриш ва таъмирлашга ажратиладиган маблағлар улушининг кўпайишига таъсир кўрсатмоқда.

Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг амалга оширилиши жисмоний тарбия ва спорт ривожига муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда яхши жиҳозланган спорт-соғломлаштириш базасига эга бўлмаган бирон-бир ўқув юртининг фойдаланишга топширилишини тасаввур этиб бўлмайди. Мавжуд ўқув юртларида эса зарур спорт иншоотлари қурилмоқда.

тайёр.

Вилоятнинг бошқа спорт иншоотлари ҳам Универсиада иштирокчиларини қабул қилишга шай. Барча қурилиш-монтаж ишлари якунланди.

Универсиаданинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказиладиган "Навбахор" марказий стадионида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Тантаналар сценарийсини республика комиссияси тайёрламоқда.

Универсиада иштирокчилари ва меҳмонлари эътиборига очиқлиш маросимида мамлакатимиз эстрада юлдузлари, драматик жамоалари иштирокидаги катта театрлаштирилган томошалар ҳавола этилади. Унда спортчилар кўргазмаларни чикишларни намойиш этадилар.

Чортоқ туманидаги "Чортоқ" ва "Гулшан" санаториялари талабалар спорт анжумани иштирокчиларини қабул қилишга

СЕМИЗЛАР ТАНЛОВИ

Одатда семиз одамлар озиш учун нималарга қўл урмайди дейсиз: улар турли дорилар истеъмол қилади, жисмоний машқлар билан шугулланади. Аммо Таиланд пойтахти Бангкокда ўтказилган ҳаддан ортиқ семиз хонимлар танлови табиат инсонга инъом этган ҳар бир нарса гўзал эканлигини исботлади. Бақалоклар ўзларининг ортиқча вазнидан уялмай, турли рақсларни ижро этишди, ҳозиржавобликлари, қўшиқ айта олишлари билан тўпланганлар кўнглига йўл излашди.

Танлов ҳайъати 162,5 килограмм оғирликдаги ўттиз бир ёшли Бунма Комхамни голиб деб топди.

ҲИНДИСТОННИНГ МИЛЛИАРДИНЧИ ФУҚАРОСИ

Ўтган пайшанба куни Ҳиндистон пойтахти Деҳлида туғилган Ашей (Умида)исмли қиз мамлакатнинг бир миллиардинчи фуқароси деб топилди. Ҳиндистон Хитойдан кейин ер шаридаги миллиард нафар аҳолиси бор мамлакатга айланди.

Бу ерда ҳар куни тахминан 42 минг нафар бола туғилади, шунинг учун аввалига бир миллиардинчи фуқарони аниқлаш осон бўлмади.

Мутахассислар тахминига кўра, ўсиш агар ҳозирги даражада бораверса ярим асрдан сўнг Ҳиндистон аҳолиси бир ярим миллиард нафарга етиши мумкин.

ОЗИШНИ ИСТАСАНГИЗ

Американинг Аова штатидаги университет руҳшуноси агарда озмоқчи

Тошкент алоқа коллежида шу йилнинг 20 май кунидан бошлаб тайёрлов курслари ўз фаолиятини бошлайди

Курсларга 9-ва 11-синф маълумотларига эга бўлган тинловчилар қабул қилинади. Машғулоти математика, она тили ва адабиёт дарслари бўйича ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 70-уй.

Қўшимча маълумотларни 41-12-48, 41-19-80 рақамли телефон орқали олишингиз мумкин.

Тошкент алоқа коллежида ўқишни хоҳловчи абитуриентлар диққатига!

2000-2001 ўқув йилига қабул эълон қилиниши муносабати билан шу йилнинг 20 май куни соат 14.00 дан 17.00 гача коллежда "Очиқ эшиклар" куни ташкил этади.

Шу куни сизларга коллеж ҳақидаги барча ахборотлар берилиб, ўқиш, яшаш ва дам олиш шароитлари билан таништириласиз.

"Очиқ эшиклар" кунига марҳамат!

Манзилимиз: У.Юсупов кўчаси, 70-уй.

Маълумот учун телефонлар: 41-12-48, 41-19-80

бўлсангизу аммо мазали ва ёғли таомлардан ўзингизни тийишга қийналсангиз, кўпроқ ойнага қаранг, деган маслаҳат бермоқда. Унинг фикрига кўра, ортиқча семириб кетган одам ҳар сафар ойнада ўзининг ҳаддан ташқари семириб кетгани гавдасини кўрса беихтиёр иштаҳаси бўғилиб, камроқ овқат ейди. Профессор Бушмен ойнани кўпроқ овқатланиладиган маҳалда хонага музлатгич ёки таом сақланадиган жавонлар ёнига олиб қўйишни тавсия этаётир.

МУЗ ОСТИДА ЎТГАН ТҮЙ

Канаданинг Раббит-Лейк шаҳрида қишининг қаҳратон кунларида ўтказилган тўй ҳали-ҳануз одамларнинг оғзидан тушмаяпти. Келин ва куёв Бонни ва Майкл никоҳ маросимини йигирма метр чуқурликдаги сув остида ўтказишди. Меҳмонлар келин ва куёвни қутлаш учун музлаган қўл остига тушиб, уларни табриклаб, қадаҳ кўтариши лозим эди. Албатта бу тадбир бор-йўғи ярим соат давом этган бўлса-да, ўндан зиёд совуқ уриб, кўкариб кетган меҳмонларни маҳаллий касалхонага ётқизишга тўғри келди.

ЖАСУР КАМПИР

Италиянинг Мондови шаҳрида саксон саккиз яшарлик сингиси билан яшайдиган тўқсон ёшли аёлнинг уйига тунда тўрт нафар ўғри бостириб кирди. Шубҳали товушлардан уйғониб кетган кампир вазиятни тезда аниқлаб, жавонда сақланадиган тўппончасини олиб, совуққонлик билан ўғриларга қарата ўқ узди. Ўқ жиноятчилардан бирига теғди. Осонлик билан ўлжага эга бўлишни уйлаганлар мерган кампирдан зўрға қочиб қутулишди.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Лайло КАРИМОВА
Навбатчи муҳаррир
Зиёда АШУРОВА

Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69

Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.